

ТОНГЮЛАЗИ

Узбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 89 (6831)
1997 йил, 15 ноябрь, шанба

Сотувда эркин
нархада

**Мамлакатимизга Америка Кўшма Штатлари
Президентининг рафиқаси Ҳиллари
Клинтон келди!**

«БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА»

Узбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасининг
«Ўзбекис-
тон» нашириети
Американинг
таникли жа-
моат арбоби
Ҳиллари Клинтоннинг «Бир

лавий турмуш, болалар ва
уларнинг таълим-тарбияси,
муаммолари
ҳақида кенг ту-
шунчага эга
буладилар.

«Бир болага
етти маҳалла ота-она» китоби
узбекча нашрига «Софлом авлод учун» халқа-
ро хайрия жамғармаси прези-
денти Татьяна Каримова сўз-
боши ёзган.

Ҳ. Клинтон уз китобига
ном қўяр экан, ҳар биримиз
қайсиdir маънода болалар-
нинг тарбиясига уз ҳиссамизни
қўшамиз. Бир бола тар-
бияси учун бутун бошли ма-
ҳалла масъулдир, деган фи-
кни олга суради.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мамлакатнинг келажаги бўл-
ган болаларни етук инсон-
лар қилиб вояга етказиш давлат
миқёсидаги муҳим аҳамиятта молик вазифа. Шуни-
нг учун ҳам «Барчамиз, — деб
ёзди Ҳиллари Клинтон уз
китобида, — буни тан ола-
мизми ёки йўқми — фарзанд-
ларимиз нафақат оиласидан
қадриятларни қуллаб-қувват-
лайдиган, балки оила ва бол-
аларни ҳам қадрлайдиган
давлатда вояга стиши учун
масъулмиз».

Китоб бола тарбияси, бунда ота-оналар ҳамда жамият-
нинг роли тўгрисидағи ранг-
баранг масалаларни қамраб
олган.

(ЎЗА)

**Бу китобни
ўқинг!**



болага етти маҳалла ота-она»
китобини инглизтиридан тар-
жима қилиб, кўп нусхада на-
шр этди. Китоб изжарадаги
Тошкент матбаа комбинати-
да чоп этилди.

Нафақат Кўшма Штатлар-
да, балки дунёнинг кўпина
мамлакатларидан севиб үқи-
лаётган бу китобни эндилик-
да узбек ўқувчилари ҳам ўқиши-
га мусассар бўлишмоқда. Уз-
бекистонлик китобхонлар бу
асарни мутолаа қилиб, Аме-
рикадаги ранг-баранг ҳаёт, ои-

Мактублар қутиси

БОЛАЛАРГА БЕПУЛ НОНУШТА

Яқинда Фарғона вилоятида «Мактаб ўқувчиларини овқатлан-
тиришни ташкил қилиш ва арzonлаштириш йўллари» мавзуусида-
ти республика семинар-кенгаси булиб ўтди.

Семинар ишида «Ўзбекбирлашув», вилоят ҳалқ таълими бош-
қармасига қарашли ташкилотлар раҳбарлари, ҳалқ таълими були-
ми мудирлари ва мутахассислари, барча вилоятлар матлубот
жамияти бошқаруви раислари иштирок этиши.

Семинар иштирокчилари Қува туманидаги 1-, 7-мактабларда
200 нафар, Фарғона туманидаги 55-мактабда 100 нафар бошлан-
гич синф ўқувчиларига туман матлубот ҳиссадорлик жамиятлари
томонидан бепул нонушта ташкил этилганлигининг гувоҳи бу-
лиши.

Шунингдек, семинар-кенгас қатнашчилари Қува шаҳридаги
2-, 6-, Боргод туманидаги 20-, 35-мактабларда ҳамда Фарғона
туманидаги иқтидорли болалар лицейида ҳам булишиб, у срдаги
уқувчиларни овқатлантириш аҳволи билан танишдилар.

Мазкур анжуманда мактаб оиҳоналаридаги ўқувчиларга хизмат
курсатишни яхшилаш, овқатлар сифатини ошириш, энг муҳими
унинг нархини арzonлаштиришни эришип йўллари ҳақида турли
таклифлар киритилди, талбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўз мухбири

НИМА ФОЙДАЛИ-Ю, НИМА ЗАРАРИ?

«Тилларда икки турли от тақорланиб юра-
ди, бир яхши ва бир ёмон ном дунёда сақланиб
туради», — дейилади «Кутадгу билиг»да. Яна
ёзилади:

«Одамга керакли ва фойдали нарса яхши

фөйл ва хуш хулқидир. Иккинчиси — шарм-
хае, андиша. Бунарса болани ярамас ишлар-
дан тияди. Учинчидан, ростлик, тўғрилик
ҳам зарур нарсадир. Мана шу фазилатлар
туфайли одам баҳт топади...»



табларда бўлиб, «Хуқуқингизни
биласизми?» деган мавзуда бол-
алар билан сұхбатлар ўтка-
заятилар. Жумладан, яқин-
да бизнинг мактабда шундай
очиқ давра сұхбати бўлиб
ётди.

Унда ўқувчилар билан бирга
ота-оналар, маҳалла оқсоқол-
лари, ўқитувчилар иштирок

11—14 ноябрь кунлари
Тошкентда биринчи Ҳалқа-
ро озиқ-овқат маҳсулотла-
ри ва ишлаб чиқариш техно-
логияси кўргазмаси бўлиб ўт-
ди. Унда 20 дан ортиқ дав-
латлар ўз маҳсулотларини
намойиш этди. Шри-
Ланкадаги «Импра—чой»
 фирмасининг бош директо-
ри жаноб Жагат Карунарат-
ни ва Хани Ханапи хоним
билан сұхбатлашдик.

— Биз Узбекистонга ик-
кинчи бор ташриф буюр-
дик, — деди Ж. Карунарат-
ни. — Юртингиз бизга жуда
ёқади. Узбек хонадонига кел-
ган мәҳмандарни сизлар ҳам
биринчи бўлиб чой билан
сийлайсиз. Хинд чойи қато-
ри бизнинг целин чойлари-
миз ҳам сизда ўз ўрнига эга.
Бу ҳол Сиз билан янада

этди.

Болаларнинг ҳуқуқий
билимини ошириш, улар то-
монидан содир этиладиган қон-
нунбузарликнинг олдини
олиша, оила, маҳалла ва
мактаб бирдек масъулдир.
Оилада носоғлом муҳит бўлса,
у бу ерда тарбияланаётган бол-
алар ҳам таъсирэтмай
қолмайди. Ахир донишманд-
лар айтадилар-ку:

Таъбингда бўлса гар
шодлидан асар,
Хулқинг яхшилашга
енгингни шимар.
— Конунбузарликнинг акса-

рияти қонунни яхши билмас-
ликдан келиб чиқади, — деди
Собир Раҳимов тумани про-
курори Эркин Абзалов. — Бу
эса жиноятчиларни ёшидан
қатъи назар, жавобгарлик-
дан халос қилмайди. Хоҳлар-
димки, суд залларида мактаб
ўқувчилари ҳам иштирок эт-
са, уларни кўриб, хулоса чи-
қаришса. Ёмон ва яхшининг
ҳалол ва ҳаромнинг фарқига
етса.


Дилбар ИБОДОВА,
Тошкент шаҳар С.
Рахимов туманидаги 22-
мактабнинг математика
ўқитувчиси

«ИМПРА» — ТОШКЕНТДА

яқинлашишимизга, ҳамкор-
лик қилишимизга кенг йул
очади.

— Хани Ханапи хоним, Ўз-
бекистон Сизда қандай таас-
сурот қолдиряпти?

— Такрор-такрор айтамиз



Чойга марҳамат

ки, озод юртингиз бизга жу-
да ёқади. Одамлари меҳ-
мондуст, мулоим, ширин-
суз. Мамлакатнинг фарза-
ндлари ҳам уз ота-оналари
изидан боргувчиидир.

— Ўзбекистон болалари-
га тилакларингиз?

— Мен онаман. Одалар
уз фарзандларига аввало соғ-
лиқ тилайдилар. Буюртдан
ҳалол хизмат қиладиган,
үқимишли, тадбиркор йи-
гит-қизлар стишиб чиқсин.
Дустлигимиз ишларини яна-
да мустаҳкамлашга ҳисса
қушадиган целин чойлари-
дан улар ҳам севиб ичиб
туришсин.

Сұхбатдош Феруза
ОДИЛОВА

Юнусобод туманиндағи Комил Ырматов номлы 12-мактаб. Замонавий услубда қурилган. Унинг кўркам биноси, сўлим ҳовлиси, спорт ўйингоҳи 805 нафар ўғил-қизни зиё олишга чорлайди. Мактаб жамоасининг аҳил, ҳар бир ишда маслакдошлиги ўқувчиларга берадётган билимларида.



ҮЙИМДЕК АЗИЗ...

Марям Қодировна Икромова ҳар куни ишни мактаб ҳовлисини айланаб куздан кечиришдан бошлайди. Бир-бир салом береб дарсга ошиқаётган ўғил-қизларнинг келажагини кўз олдига келтириб яхши ниятлар қиласди. Яхши ният—ярим давлат ахир. Марям опа ҳам мактабда ўқиб юрган чоғларида устозларига ҳавас қилган, келажакда улар каби муаллим бўлмоқни қалбига тутиб қўйган эди-да. Иш фаолиятини 1980 йилда мактабда ташкилотчиликдан бошлаган муалими. 1990 йилдан илмий бўлим мудири бўлди. 1990 йилдан эса мактаб жамоасига раҳбар қилиб тайинланди. «Мактаб — боламдек азиз...—дейди опа. — Сизлар



ҳам мактабни эъзозланг, болаларим — деб уқтиради.

ТЎГАРАК — БАРЧАГА КЕРАК...

Ака-ука Ойбек ва Отабек Шариповлар тайёрлаган қушлар учун маҳсус доңхурек меҳнат тўгараги аъзоларини бефарқ қолдирмади. Тугарак раҳбари, меҳнат муалими Мухтор ака Қорабоев ҳам бундан хурсанд бўлди. Берган сабоқлари, зое кетмаганидан қувонди.

Дурадгорлик, нақш үймакорлик сирларини қунт билан урганаётган Ойбек ва Отабек каби ўқувчилар «йигит кишига 40 хунар ҳам оз» деган ҳикматни яхши билишади. «Санъатимиз — фахримиз» курик-тандовида мақомчилар миллий дастаси фа-

хри үринни эгаллашиб. Мусиқа тугараги раҳбари Дилфуз Саримсоқова тузган дастур Она-Ватан, юрт мадҳини улуғловчи гузал қушиқлардан иборат бўлди. «Тил байрами» кечаси ҳам аввал ҳар бир синфда ўтказилди. Сунг ушбу санага атаб қатта йигин булиб ўтди. 8-«А» — 8-«Б» синф ўқувчилари кечанинг энг фаол итироқчилари деб топилиб, мактаб фаҳрий ёрлиги ва эсадалик совғалари билан тақдирланди. Мактабда энг фаоллашган дарс ҳам, тўгарак ҳам ҳозирги кунда инглиз тили экан-

да тенгдошларингдан дарс тиглашнинг узгача гашти борда!

БИЗ 4 -«Р» ДА ЎҚИЙМИЗ...

— Узлаштиришда биринчи?
— 4 -«Р».
— Жамоат ишларида актив?
— 4 -«Р»...
— Спорт мусобақаларида фаол?

— 4 -«Р»...
Мактабнинг ҳар кунги йўқламасида 4 -«Р» синф ўқувчилари номи шундай жаранглайди. Сабоқат опа Бобоева раҳбарлик қилаётган бу синф ҳақиқатан ҳам «аълочи»лар синфи. Нодир Абдуҳакимов, Малика Абдувоҳидова, Д. Жамол, Мурод Журабеков, Мурод Ҳаки-

мов, Малика Гобдулиналар билан мактаб фахрланади. Йил давомида «энг фаол, энг аълочи» синф номини ўзлари билан олиб қолишга хисса қўшганларга омад ёр бўлсин!

МУАЛЛИМЛАР ДАВРАСИ

— Мактабда фаолият курса-



таётган Марям Собирова, Манзура Қорақулова, Сабоқат Бобосва, Мукаддас Шариддинова, Ҳуррият Мирзоидолова турли фан муаллимлари. Лекин мактабда ўтказиладиган ҳар бир ишда, тадбирда улар бош-қош. Бошлангич синф ўқувчилари ҳозирги кунда «Алифбе» байрамига тайёргарлик кураётган бўлса, юқори синф ўқувчилари эса 8-декабр Узбекистон қомуси қабул қилинган кунни нишонлашга тайёрланнишмоқда. Ўқувчиларнинг уз нашрлари «Тонг юлдузи» обунасига ҳам мактабда жиддий киришилган— дейди директор Марям Икромова.

— Худо хоҳласа, ҳар битта синфдан 4 тадан ўқувчи «Тонг юлдузи»га обуна булишади.

Нилуфар ДАВИДОВА



лиги ҳеч кимга сир эмас. Инглиз тилига қизиқувчан ўғил-қизлар дарсдан сунг Наталья Константиновна сабоқларини оладилар. Энг қизиги шундаки, тугаракда инглиз тили билан шугулланган ўғил-қизлар машгулот ўтишади. Инглиз тилига мослаштирилган синф хоналар-



ОБУНА КИМГА КЕРАК?

Обуна қандай кетаётганинги билиш мақсадида ҳар галгидек, жума куни Узбекистон Республикаси алоқа вазирлигига қарашли Республика матбуот тарқатиши марказига, 1336771 рақамли телефонга қўнгироқ қилидик. Улар бизга қўйидаги маълумотни беришиди.

Вилоятлар, Алоҳида, Ташкилотлар Фарғона 3275 5
Наманган 1129 85
Самарқанд 852 51
Бухоро 721 8
Жиззах 464 -
Сирдаре 380 8
Сурхондаре 379 4
Хоразм 264 1
Қашқадаре 215 21
Тошкент шаҳри 191 29

Тошкент вилояти 107 25
Навоий 40 2

Нукус ва Андижондан ҳали хабар келмаганинги туфайли уларда обуна қандай кетаётганинги билолмадик.

Яна бизни ҳар сафаргидек Навоий, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кетаётган обуна тарзи анча ранжитди.

Бунақада мазкур вилоят ҳалқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳар бир синффа биттадан ўқувчини обуна қилиш ҳақида берган ваъдаларига вафо қилолмай қоладилар-ку! Вақт қараб турмайди. Балки улар Фарғонага қўнгироқ қилиб обунани жадаллаштириш йўрикларини урганишса, ишлари йулга тушиб қолар?

42 МИНГ ЎҚУВЧИГА 500 ГАЗЕТА?

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ДИҶКАТИГА!

Бу гал симлар бизни Қашқадарё вилояти, Китоб тумани билан боғлади. Телефон гўшагини туман ҳалқ таълими булими мудири Ҳабибхон опа Хидирова кутардилар. Суҳбатимиз, ҳар галгидек, айни кунларда барча нашрларда қизғин кетаётган обуна мавзусида будди.

— Туманимизда 1743 синф, 42 мингдан ошиқ ўқувчи бор. 5-синфдан 9-синфгача «Тонг юлдузи»га обуна қилиш ниятимиз бор.

— Опажон, газетамиз болалар ва усмирлар газетаси эканлигини унтиби кўймайтисизми?

— Йўқ, биламан. 5-синфгача «Фунча» журналига, 9-дан юқорисини яна бошқа нашрларга жалб қилмоқчимиз.

— Туманингизда ўтган йили «Тонг юлдузи»га обуна қандай олиб борилган эди? Обуначилар сонини айтиб беролмайтисизми?

— Адашмасам 200 дан ошиқ эди. Бу йил обуна билан бевосита узим шугулланаяпман. Ўтган йили бу жараён қанақа олиб борилганини билмайман. Ишга келганимга 10 ойча бўлди.

— Ҳабиба опа, буйилги режаларингиз қандай?

— Туманда «Тонг юлдузи»га обунани беш юзга етказиш...

Қизиқ, биз бошқача жавоб кутаётган эдик.

Еки китоблик болалар фақат китоб ўқишига тушиб кетишганми?..

ҲАЛИМА сұхбатлашди

УНИНГ ТУГИЛГАН КУНИ ЭДИ...

Бир неча кунки спорт ишқибозлари осмонида яна бир юлдуз ўзининг шакли-шамойили билан порлаб, кунгил кўзларимизга яқинроқ жоҳда чарақлаб турибди. Ойна жаҳон, вақтли матбуот орқали юзлари яхши таниш бўлиб қолган Руслан Чагаев ўзи ригнга чиқсан 19 октябрь куни 19 баҳорни қарши олган эди.

Уша куни Андижоннинг чекка бир қишлоғидаги мўжазгина ҳовлида бир она тонгтагача ухламади. Жигаргушаси олис бир юртга — Ватани довруғини кўкларга кўтариш учун енг шимариб кетган бўлса-да, боласи яхши курган ширинликларни пишириб дастурхон туздади. Сунг эса унинг

бундан 18 йил аввал—үгли бир ёшга тўлганда тушган расмiga қараб утириб кузларига ёш олди. Согингани — яккаёлғиз шу ўгли эди.

Илоё, углимнинг юзи ёргу, юртнинг довруги баланд бўлсин!

ЎГЛИДАН АВВАЛ ХУШҲАБАР КЕЛДИ...

Уша куни тонгда ҳовлида осиглик турган радиоприёмник Русланинг чемпион бўлиб, олтин медални қўлга киритгани ҳақида аҳборот берди. Хушҳабарни эшигтан қишлоқдошларидан тортиб, Русланинг дустларию устозларигача унинг ҳовлисига энг аввало онани табриклишучун келишди. Бу вақтда Русланинг

ланнинг ўзи ҳали Венгрияда эди. У кечқурун онасига телефон қилиб гапиролмади. Онасишинг тафтини ҳис қилгани учунми негадир иссиқ нарса бўзига тиқилиб тураверди...

САБОҚ БҮЛДИ

Яқинда «ойна жаҳон» орқали Руслан ҳақида ҳикоя

Оналар ёзади

қилишди. Мен ошхонада, Жавоҳиру Севинчим эса дадаси билан иккинчи каналда на мойиш қилинаётган роботлар ҳақидағи кинони кўриб утиришарди. Кино тугагани-ю, Руслан ҳақидағи курсатув бошланганини сезмабман, Жавоҳир олдимга учиб келди:

«Ойижон, тез юринг, Руслан Чагаев чиқди телевизорда». «Майли, бориб тур, ҳозир бораман», «Йўқ, ҳозир юринг ойижон, тугаб қолади ҳозир», — ўглим оёқ тираб туриб олди.

Сездим, ўглим ўзи яхши кўрган Русланини мен ҳам кўришимни истаётган эди.

Мен аввалдан Жавоҳирни спортнинг бокс турига қизиқишини жуда яхши биламан. Агар боксчилар ҳақида кўрсашибаши ёки улар ҳақида кино бўлса, унинг жон қулоги кўзга айланишини, уни шутопда нимадир сеҳрлаб турганини кўп кузатганиман.

Узбекистонда Жавоҳирга ухшаган болалар кўп. Уларга Руслан акаларининг тиним-



сиз машқлари, меҳнатлари, рингдаги довюраклиги, (айниқса, 19 ёшга кириб, келажақда ҳали ким бўлиши ҳақида уйлаб кўрмаган баъзи бир ўсмирлар учун) сабоқ бўлади, деб уйлайман.

Хосият РУСТАМОВА



«Ойна жаҳон»— болаларга

табимиз — фахримиз». Курсатувда Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманинг Лутфий номли 254-мактаб ўқитувчилари ҳақида ҳикоя қилинади.

10.30 Она тили.

11.00 Янги алифбони ўрганимиз.

11.30 Умумий биология.

18.10 Болалар учун «Ҳикматлар хазинаси».

20.10 «Оқшом эртаклари».

УзТВ-2 дастур.

18.20 «Ерилтош». Мульттуплам.

19.55 «Табиат дунёси».

УзТВ-3 дастур.

18.05 «Куз манзаралари». Манзарали фильм.

УзТВ-4 дастур.

18.45 «Мульткарусель».

ПАЙШАНБА, 20 НОЯБР.

УзТВ-1 дастур.

9.35 «Оқ руҳ». Курсатувда болаларга шахмат ўйини ўргатилиди.

10.30 Физика,

11.00 Алифбо сабоқлари.

13.45 «Бармоқлар сөҳри».

18.10 «Шоирлар — болаларга».

«Оқ руҳ»

Шахмат ўйинига қизиқаман. Шахматга оид китоб, бошқотирма қўриб қолгудек бўлсан, албатта харид қиламан. «Оқ руҳ» кўрсатуви борлигидан қувондим. Аввал курмас эканман. Курсатув бошловчиси Гулнора опа Абдуваҳобова шахмат машгулотларини қизиқарли олиб борар эканлар. Мургак дилларнинг ақл гимнастикаси саналмис шахмат сирларидан «Тонг юлдузи» орқали ҳам огоҳ қилиб борсангиз.

Салом билан Лазизбек ЮНОСОВ,

Фарғона,

Чирчикда

ўтказилган ёшлар бўйича шахмат мусобақаси ғолиби

2.10 «Оқшом эртаклари».

УзТВ-2 дастур.

9.00 «Ҳайвонот дунёси».

9.20 «Синфдоши».

18.15 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.

УзТВ-3 дастур.

18.00 «Урмон чемпиони», «Тошбақа». Мультфильмлар.

УзТВ-4 дастур.

18.45 «Мульткарусель».

ЖУМА, 21 НОЯБР.

УзТВ-1 дастур.

10.5 «Гулхан» — меҳмонмиз». Курсатувда «Гулхан» журналиниң ходимлари иштирок этилади.

Журнал бош муҳаррири Сафар Барноев болаларнинг севимли журнали бўлган «Гулхан»нинг келгуси режалари ҳақида сузлаб берадилар. «Гулхан» саҳифаларида ёртилган мақолалар, ҳикоя, эртак ва достонлар ҳақида сұхбат уютирилди. Шунингдек нафис санъат лицейининг иктидорли ўкувчилари ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек нафис санъат лицейида ўтказилган ёш ижодкорлар мушоираси намойиш этилади. Мушоирада Узбекистон халқ таълими вазири Ж.Ғ. Йулдошев, Узбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, шоирлардан Сафар Барноев, Йулдошли Сулаймоновлар иштирок этилади.

учун концерт.

18.20 «Бор экан-да, йўқ экан».

УзТВ-3 дастур.

17.55 «Дорбоз Тошкентбоевлар». Телефильм.

21.35 «Мусиқа ҳамма учун».

Мусиқий дастур.

УзТВ-4 дастур.

18.45 «Мульткарусель».

19.30 «Умид чечаклари».

ШАНБА, 22 НОЯБР.

УзТВ-1 дастур.

9.50 Болалар учун «Орзу». Курсатувда Алишер Навоий номли Республика нафис санъат лицейининг иктидорли ўкувчилари ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек нафис санъат лицейида ўтказилган ёш ижодкорлар мушоираси намойиш этилади. Мушоирада Узбекистон халқ таълими вазири Ж.Ғ. Йулдошев, Узбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, шоирлардан Сафар Барноев, Йулдошли Сулаймоновлар иштирок этилади.

18.00 «Мультолам».

19.50 «Оқшом эртаклари».

УзТВ-2 дастур.

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан».

18.15 «Болаларнинг тили».

ЯКШАНБА, 23 НОЯБР.

УзТВ-1 дастур.

8.25 «Камалак» болалар учун кинодастур.

10.00 «Ватанимга хизмат қиласман».

11.00 «Цирк, цирк, цирк!».

11.50 Ҳожи Абдулазиз Рақсовлар номидаги I-Республика ёш хонандалар кўрик-тандлови гўлибларининг концерти.

15.05 «Нурли келажак» видеосканали. Курсатувда Республика нафис санъат лицейининг иктидорли ўсмیر ёшлар иштирок этади.

18.00 «Эски ҳужрада». Мультифильм.

18.10 Болалар учун «Бешбармоқ» тележурнали.

УзТВ-2 дастур.

9.15 «Ерилтош». Мульттуплам.

9.45 «Табиат шифохонаси».

18.15 «Болалар дунёси».

«ДОНО БОБО ДАВРАСИДА»

курсатувини бобом билан

биргаликда томоша қиласман.

Бу насиҳатларни бизга бобом

ҳам кўп бора уқтирадилар,

топишмоқларни топишда ҳам

срдам берадилар. Шеърларни

эса тезрок ёдлаб олишга ун-

дайдилар. Айниқса, 11 ноябрь,

18.10 да берилган курсатув янада мароқли будди.

Рустам ва Достон

СОЛИЕВлар,

Шахриён шахридаги

Faafur

Фулом номли З-мактаб



ЧОРШАНБА, 19 НОЯБР.

УзТВ-1 дастур.

9.15 Болалар учун «Мак-

БҮШ ЎТИРМА


АЗИЗ БОЛАЖОНЛАР

«Бүш ўтирма» саҳифасида қизиқарли бошқотирмалар ўзлон қилинганидан сунг («Тонг ўлдузи», 8, 22 октябрь) сизлардан жуда кўп мактублар олдик. Талабчан ҳайъат хатларни саралаб бормоқда. Бугун мазкур беллашувнинг навбатдаги топшириклини ҳукмингизга ҳавола қиласиз. Шошилинг, голиб учун топшириладиган хорижда ишлаб чиқарилган велосипед таҳририятимизда ўз эгасини кутяпти. Қолган фаол иштирокчиларимизга ҳам қимматбаҳо эсалик совгалари тайёрлаб қўйилган.

Эслатма:

Беллашув 15 декабргача давом этади.

ЧАЙНВОРД




БОШКОТИРМА

1	2	3	4	5
6	7	8	9	10
11	12	13	14	15
16	17	18	19	20
21	22	23	24	25

Сонларни катакларга шундай жойлаштирингки, энiga ҳам, бўйига ҳам ва диагоналига ҳам умумий сонлар йўғиниси тенг бўлсин.

Топшириклар муаллифи:
Суннатилла Қўзиев



«ОЛТИН КУЗ» БАЙРАМИ

Улкамизда айни олтин куз ўз сепини ёйган пайт. Ҳар фаслнинг ўз гашти, ўз таровати булади. Жумладан олтин куз ҳам уюм-уюм хирмони, ширин-шакар меваси, дилта ёқар шаббодаси билан каттаю кичикка бир хил сурур беради. Айниқса кичкитойлар ўз боғчаларига кетатуриб йўлга тушалган олтин япроқлардан завқланишади.

Якинда Мирзо Улугбек тумандаги 419-болалар боғчасида болакайларнинг ана шу завқшавқини, табиатта меҳрини қуллаш мақсадида навбатдаги «Олтин куз» байрами ўтказилди. Аслида бу маскән тумандаги бошқа боғчалардан ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Бог-

ча республикамида биринчи лардан бўлиб гимназияга айлантирилган эди. Бу ерда мудира Лена Мирқосимова бошчилигидага олиб бориладиган намунали ишларни ҳисобга олиб болакайларнинг илк ўсиш марказига айлантирилди. Богча жамоаси республика болалар расм чизиш қурик-танловида юқори ўринни эгаллашди. «Олтин куз» байрамига пухта тараффуд куришди.

Катта залга кичик ва урта туроруҳ (3-4 ёшли) болажонлар олтин япроқларни кўтариб кириб келишди. Сунтра, олтин куз кийимида Ширин Мирқосимова (тайёрлов гуруҳидан) саватларда олиб кирган куз ноз-

неъматларидан болажонларни баҳраманд қилди. Болажонлар ҳам олтин кузга гуллар тақдим этиб, сабза, карам, пиёз, картошка тимсолларида унга раҳмат айтишиди. Қулларида очилган пахтани кутариб рақста тушишиди. Шу зайл Диера Шофазатова, Лиза Жукова, Темур Каримов, Шаҳзод Ибрагимов, Нигина Мирбобосева, Элноза Исмоилова ҳамда Зарина, Наргиза ва бошқалар «Араз», «Пахта», «Вальс», рақсларини қойилмақом қилиб ижро этишиди.

Болажонларни байрамга тайёрлаб, уларга турли щеърлар ўргатган мусиқа тарбиячи Светлана Дубровина, тар-

биячилар Неля Пикалова, Галина Пиржегалинскайлар ҳақиқатан ҳам болажон тарбиячи эканликларини, ўз фаолиятларида уларнинг дунёқарашини тута ўрганганилларини на-мойин этишиди. Богчада ҳозир инглиз тили, математика каби фанлардан машғулотлар утказилмоқда. Қадрият, тасвирий санъат, миллый маданият мавзусида турли туман сұхбатлар ўштирилмоқда. Бу машуларни ўтказишда услубчи Ирина Васильевна баракали ҳисса қашмоқда. Ҳамшира Мая Балеева болажонларнинг сало-

матлигидан доим боҳбар.

— Болалар — бизнинг кела-жагимиз, — дейди Мудира Лена Мирқосимова. — Шундай экан, уларни ҳозирдан тўғри тарбияласак, Ватанга, табиатга, меҳнатта меҳр уйғотсак ўз вазифамизни бажарган булемиз. Бу борада бизнинг жамоамиз қулидан келганча ҳаракат қилиб изланмоқда. «Олтин куз» байрами, шубҳасиз, болажонларда қисман бўлса-да, атроф-мухитга, табиатта меҳр уйғотади.

Муқаддас СОЛИХ қизи

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора ЙУЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон КИРҒИЗБОЕВ, Даҳаҳон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

З - БОСКИЧ

АНОГРАММА

яширинган сўзни топинг

КОБГУКАНРА

ҚИЗИҚАРЛИ АРИФМЕТИКА

Берилган сонларни қўшиш, айриш, булиш ва кўпайтириш орқали қўйидаги масалаларни ечинг (қавсларни ишлатиш мумкин)

$$\begin{array}{ccccccc} 1 & 2 & 3 & = & 1 \\ 1 & 2 & 3 & 4 & = & 1 \\ 1 & 2 & 3 & 4 & 5 & = & 1 \\ 1 & 2 & 3 & 4 & 5 & 6 & = & 1 \\ 1 & 2 & 3 & 4 & 5 & 6 & 7 & = & 1 \\ 1 & 2 & 3 & 4 & 5 & 6 & 7 & 8 & = & 1 \\ 1 & 2 & 3 & 4 & 5 & 6 & 7 & 8 & 9 & = & 1 \end{array}$$



ТОПИШМОҚ


Эшмат билан Тошмат яйловда учрашиб қолишибди. Эшмат: «Қўйларингдан биттасини берсанг, менинг қўйларим сеникидан роппа -роса икки баравар куп бўларди» — дебди.

Тошмат эса:

— Йўқ, яхшиси қўйларингдан биттасини сен менга бергинг, шунда қўйларимиз тенг бўлади, деб жавоб қилиби.

Топинг-чи, уларнинг қўйлари қанча?

Эшмат — Тошмат

ОТ-ШОҲМОТ ДОНАСИ ТАГИДА
ҚАНДАЙ СОН ЯШИРИНГАН?

БОГЧАМ — ОВУНАР ЖОЙИМ

Биячилар Неля Пикалова, Галина Пиржегалинскайлар ҳақиқатан ҳам болажон тарбиячи эканликларини, ўз фаолиятларида уларнинг дунёқарашини тута ўрганганилларини на-мойин этишиди.

Богчамдан доим боҳбар.

— Болалар — бизнинг кела-жагимиз, — дейди Мудира Лена Мирқосимова. — Шундай экан, уларни ҳозирдан тўғри тарбияласак, Ватанга, табиатга, меҳнатта меҳр уйғотсак ўз вазифамизни бажарган булемиз. Бу борада бизнинг жамоамиз қулидан келганча ҳаракат қилиб изланмоқда. «Олтин куз» байрами, шубҳасиз, болажонларда қисман бўлса-да, атроф-мухитга, табиатта меҳр уйғотади.

Муқаддас СОЛИХ қизи

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Машилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кучаси,
32-уй.
Нашир курсаткичи: № 64563
Телефон:
1-33-44-25
1-36-57-91
1-36-54-21

